



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 158 (947), 2023 йил 10 август, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан 9 август кунни ўтказилган телефон орқали мулоқотида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва фаол гуманитар алмашинуви давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Икки мамлакат етакчилари бўлажак тadbирлар режасини ҳам кўриб чиқиб, яқин муддатларда қўшма Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишини, Ўзбекистон — Россия ҳудудлар, таълим ва медиа форумларини ўтказиш муҳимлигини таъкидлади.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

СПОРТ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга спорт соҳасидаги йирик тadbирлар ва режалар ҳақида ахборот берилди.

Юртимизда спорт анча ривожланиб бормоқда. Футбол, волейбол, бокс, кураш, шахмат, теннис, оғир ва енгил атлетикаларнинг кўплаб турлари оммалашган. Давлатимиз раҳбари ғояси билан ташкил этилган "Беш ташаббус олимпиадаси" ёш авлод орасида жисмоний маданиятни янада кенг ёйишга хизмат қилмоқда.

Тақдиротда оммавий спорт, этносспорт ва гимнастикани ривожлантириш бўйича тақлифлар кўриб чиқилди.

Хусусан, "Беш ташаббус олимпиадаси"даги спорт турлари сонини 9 тадан 12 тагача кўпайтириш ҳамда илк бор ноғиронлиги бўлган шахслар ўртасида ҳам 5 та йўналишда ўтказиш тақлиф қилинмоқда. Ҳар йили Наврўз байрами арафасида Сурхондарёда ўтказиб келинаётган халқаро чавандозлар мусобақасини юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил қилиш мўлжалланмоқда. Яқкакурашлар бўйича салоҳиятни тўғри йўналтириш мақсадида барча спорт мактабларида кўп жанги тўғарақларини очиб белгиланмоқда.

Маълумки, 2022 йил 25 майда Президентнинг "Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Унда, жумладан, Хива шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро этносспорт фестивали ўтказилиши белгиланган.

Илк фестивални жорий йил 7-10 сентябрь кунлари Ичан қалъада ўтказиш режалаштирилмоқда.

Унинг доирасида халқ ўйинлари ва спорт мусобақалари, хунармандчилик кўргазмалари, қовун сайли, ош пишириш чемпионати, сахналаштирилган дастурлар бўлиб ўтади.

Давлатимиз раҳбари фестивалга юқори даражада тайёргарлик кўриш, иштирокчилар ва туристларга барча қулайликларни яратиш, Хива шаҳрида "Халқаро этнофестиваль боғи"ни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимизнинг 2022 йил 23 декабрдаги қарорига мувофиқ, гимнастика спорт турларини ривожлантириш борасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Хусусан, Нукус, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида Гимнастика спорт турларига тайёрлаш марказлари ташкил этилмоқда. Улар ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасаси ҳисобланади, битирувчиларга мураббий ва селекционер мутахассислиги бўйича диплом берилади. Ҳозирда марказлар учун бинолар қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлашга доир лойиҳалар ишланмоқда. Мазкур спорт муассасалари 2024/2025 ўқув йилидан фаолият бошлайди.

Давлатимиз раҳбари бу марказларда спортчиларни тайёрлашга оид энг илғор услубларни жорий этиш, диетологияни ривожлантириш, ўқувчиларнинг қатновига қулайлик яратиш зарурлигини таъкидлади.

ЎЗА

“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ

янги мақсадлар ва марраларни қўзлайди



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН



Шу кунларда Президентимизнинг “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармони, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси лойиҳалари кенг жамоатчилик эътиборида бўлиб турибди.

▶ Давоми 3-бетда



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

ДАСТУРХОНИМИЗ ТЎКИН, РИЗҚИМИЗ БУТУН

Бугунги кунда дунё мамлакатлари томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга қарамай, озиқ-овқат масаласи долзарблигича қолмоқда. Бинобарин, жаҳон ҳамжамияти бир неча ўн йиллар мобайнида ушбу йўналишдаги муаммоларга ечим топишга ҳаракат қилиб келяпти. Аммо ҳозирги жараён инсоният учун янги ҳодиса сифатида намоён бўлиб, ўзининг кенг қамровлиги билан олдингилардан фарқ қилади. Жумладан, ҳозир озиқ-овқат бозори ва унга алоқадор тармоқларда тушунарсиз жараён кузатиляпти.



Бир томондан, БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг сўнгги прогнозлари буғдой, гуруч, шакar, гўшт, балик ва сут маҳсулотлари, ўсимлик ёғи каби бир қанча асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ўсиши ва захираларининг кўпайишини кўрсатмоқда. Бошқа томондан эса, сўнгги ўн йил давомида кузатилмаган инфляциянинг энг кўп қўлланиладиган ўлчови бўлмиш истеъмол нархлари индекси тез суръатлар билан кўтарилиб бораётир.

▶ Давоми 4-бетда



ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ

АҲОЛИ МАНФААТИ — ЭНГ АСОСИЙ МАСАЛА

Мурожаат ечимига суд аралашди

Тошкент вилояти адлия бошқармасига “Obod ta'mir” масъулияти чекланган жамиятидан мурожаат келиб тушди. Унда вилоят ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК МЧЖси бажарилган ишлар учун 562,7 миллион сўм пулни тўлаб бермаётгани айtilган. Мурожаатни ўрганиш жараёнида чиндан ҳам маблағ тўлаб берилмагани маълум бўлди ва вилоят адлия бошқармаси томонидан ушбу ҳолат юзасидан Ўрта Чирчиқ туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилди. Суд аризани қаноатлантириб, “Obod ta'mir” МЧЖга

бажарган иши учун пул тўлаб берилиши таъминланди.

Бошқармага фуқаро И.Розиқов турар жойи Нурафшон шаҳри ҳокимлиги томонидан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олингани, аммо орадан қанча вақт ўтса-да, тоvon пули тўланмай келинаётгани ҳақида мурожаат қилди.

Ҳолат ўрганилганда 334 миллион сўм тоvon пули тўланмагани маълум бўлди ва бошқарма томонидан фуқаролик ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Тез фурсатда суд фуқаро фойдасига 334 миллион сўм тоvon пули ундирилишини белгиллади.

▶ Давоми 2-бетда



ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМА



ОБИҲАЁТ УЧУН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Нафақат инсоният, балки бутун борлиқ сув билан тирик. Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ҳар қандай замон ва маконда ҳам энг долзарб ва масъулиятли вазифалардан бири бўлиб келган. Айни пайтда дунёнинг кўплаб ҳудудларида тоза ичимлик сув тақчил экани ҳам сир эмас. Бу борада халқаро ташкилотлар томонидан кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилиб, унинг оқибатларини камайтиришга ҳаракат қилинмоқда.

▶ Давоми 4-бетда



КУН МАВЗУСИ

КОРРУПЦИЯ — ИЛЛАТ, УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЭСА КАТТА МАСЪУЛИЯТ

Бугунги кунда коррупция жаҳон миқёсида долзарб муаммолардан бири сифатида тан олинган бўлиб, ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамият ривожига жиддий путур етказиши билан хавфлидир. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида "...Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, "халоллик вакцинаси" билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз", деб бежиз таъкидланмагани.

Шу сабабли янги Ўзбекистонда "Инсон қадри учун" тамойили асосида халқимиз фаровонлигини янада ошириш ва фаол жамиятни шакллантиришга қаратилган ислохотлар доирасида барча соҳаларда коррупцияга қарши мurosасиз курашиш муҳитини шакллантириш талаб этилади.

Бевосита тизимда мазкур йўналишда қилинаётган ишларга тўхталганда аввал Марказий банк аҳоли ва тadbиркорлик субъектларига бевосита банк-молия хизматларини кўрсатиш билан шуғулланмаслиги сабабли унгарлар, умуман олганда, паст даражада эканини таъкидлаш лозим.

Шундан келиб чиқиб, Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишларни ташкил этишда асосий эътибор "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун, Президентнинг соҳага оид фармон ва қарорларида коррупциянинг олдини олиш, уни келтириб чиқариши мумкин бўлган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича белгиланган вазифалар ижросига қаратилмоқда.

Жумладан, Марказий банк марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалар ва тасарруфдаги барча корхоналарда коррупцияга қарши ички назорат тизимлари фаолияти йўлга қўйилди.

Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашишга оид меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан келишилган ҳолда, коррупцияга қарши халқаро стандарт (ISO 37001: 2016) талаблари асосида 13 та ички меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ушбу муҳим ҳужжатлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, Марказий банк ходимлари одоб-ахлоқининг қоидалари, Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тўғрисидаги низоми, Марказий банк тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти кабиларни келтириб ўтмиш мумкин.

Марказий банк тизимида коррупциянинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларнинг яна бир муҳим йўналиши сифатида ходимларнинг ҳуқуқий онги ва билимини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ҳужжатлари, Президент фармон ва қарорлари ҳамда ички меъёрий ҳужжатлар талаблари ва мазмун-моҳияти юзасидан жорий йилнинг ўтган даврида Марказий банк тизимида жами 67 та ўқув семинари ва давра суҳбати ташкил этилди.

Шунингдек, Президентнинг 2021 йил 22 октябрдаги "Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2022 йилда 149 та амалдаги ва 110 та янги ишлаб чиқилган ҳамда жорий йилнинг ўтган даврида эса 31 та янги ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари коррупцион ҳолатларга олиб келувчи эҳтимоллардан сақлаш мақсадларида тегишли экспертизадан ўтказилди.

▶ Давоми 2-бетда

КУН МАВЗУСИ

КОРРУПЦИЯ — ИЛЛАТ, УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЭСА КАТТА МАСЪУЛИЯТ



Мамаризо НУРМУРАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раиси

Бошланиши 1-бетда

Марказий банкка ишга қабул қилиш жараёнида коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан ишга қабул қилишнинг очiq танлов тизими жорий қилинди.

Мазкур тизим доирасида инсон омили таъсирини камайтириш мақсадида бўш иш ўринлари бўйича эълонларнинг банк расмий веб-сайтида жойлаштирилиши, номзодлар ҳужжатларини махсус телеграм бот орқали қабул қилиниши ва тегишли тест синавларининг онлайн шаклда ўтказилиши йўлга қўйилган.

Ўз навбатида, харидлар жараёни шаффофлиги ва ҳолислигини

таъминлаш юзасидан Марказий банк тизимидаги ички назорат тузилмалари томонидан харидларни тендер, танлов ва тўғридан-тўғри амалга оширишда иштирокчиларда аффилиланглик, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа коррупциявий хатарлар олдини олишга қаратилган ўрганишлар ўтказиш амалиёти жорий қилинган. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида 91 та харид шартномаси бўйича шундай ўрганишлар ўтказилди.

Халқаро тажриба кўрсатмоқдаки, коррупциянинг олдини олишнинг энг самарали механизмларидан бири давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини рақамлаштиришдир. Мазкур механизм юклатилган вазифа ва функциялар бажарилишида коррупциявий хавф-хатарларни юзага келтирувчи энг асосий — инсон омилининг салбий таъсирини бартараф этиш (камайтириш) имконини беради.

Бу борада ҳам Марказий банк томонидан қатор ишлар олиб борилган. Жумладан, лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тўғрисидаги аризаларни, фаолиятни бошлаганлик ва тугатганлик ҳақидаги хабарномаларни қабул қилиш ҳамда уларни қўриб чиқиш натижаси бўйича тегишли ҳужжатларни бериш жараёни тўлиқ рақамлаштирилиб, мазкур амалиётларни махсус электрон платформа (<https://cbu.uz/oz/services/support>) орқали амалга ошириш йўлга қўйилди.

Шунингдек, банк-молия соҳасида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, лицензиялаш, рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш мақсадида лоймбард ва микромолия ташкилотлари фаолияти лицензиялаш тартибидан хабардор қилиш ва ҳисоб рўйхатдан ўтказиш тартибига, банк филиаллари ва микромолия ташкилотлари филиалларини

ташкил этиш ҳам рухсат бериш тартибидан хабардор қилиш тартибига ўтказилди.

Ўз навбатида, Марказий банк тавсиялари асосида банк тизимида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматларини рақамлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада тижорат банкларининг мобил иловалари орқали омонат, кредит ва бошқа банк хизматларидан фойдаланиш қўламини йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Жумладан, банк тизимида мижозларга банк ҳисобварақларини масофадан идентификация қилиш орқали очиш, хизматлардан онлайн режимда банкка бормасдан масофавий тарзда фойдаланиш имконини берувчи рақамли биометрик идентификация қилиш тизими (Face ID) жорий қилинди.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“ ХАЛҚАРО ТАЖРИБА КЎРСАТМОҚДАКИ, КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРИДАН БИРИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШДР. МАЗКУР МЕХАНИЗМ ЮКЛАТИЛГАН ВАЗИФА ВА ФУНКЦИЯЛАР БАЖАРИЛИШИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ ЮЗАГА КЕЛТИРУВЧИ ЭНГ АСОСИЙ — ИНСОН ОМИЛИНИНГ САЛБІЙ ТАЪСИРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ (КАМАЙТИРИШ) ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

Бугунги кунда мобил банк ва тўлов хизматларини кўрсатишда мазкур технологиядан фойдаланадиган тижорат банклари 26 тани, тўлов ташкилотлари 13 тани, маркетплейслар сони эса 4 тани ташкил этмоқда. Бунда банклар

ва тўлов ташкилотларининг мобил иловалари орқали рақамли идентификациядан ўтган мижозлар сони 3,5 миллионга етди.

Шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари

шаффофлигини таъминлаш ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ягона электрон платформа (oilakredit.uz) орқали онлайн имтиёзли кредитлар ажратиш тартиби жорий қилинди.

Марказий банк тизимида коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олишда унинг коллегиял органлари аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бугунги кунда қонунчиликда Марказий банкка юклатилган вазифалар ижроси бўйича, шу жумладан, банклар, тўлов ташкилотлари ва тўлов тизимлари операторлари фаолиятини лицензиялаш ҳамда уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва назорат, шунингдек, ишга қабул қилиш ҳамда харидларни амалга оширишга доир барча қарорлар фақат коллегиял тартибда Марказий банк бошқаруви, махсус ташкил этилган қўмита, комиссия ва бошқа

коллегиял органлар йиғилишларида муҳокама қилиш йўли билан қабул қилинади.

Бошқача айтганда, қарорлар қабул қилиниши бирор яқка шахснинг эмас, балки коллегиял органлар аъзолари овозига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, Марказий банк фаолиятини ташкил этишда манфаатлар тўқнашуви, фаворитизм ва бошқа коррупциявий ҳолатларнинг олди олинишига хизмат қилади.

Яна бир муҳим йўналиш сифатида Марказий банк томонидан коррупцияга қарши қамлаб олинган назорат масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жорий йил июль ойида Марказий банк ички назорат тузилмаси мутахассисларининг коррупция даражаси бўйича халқаро рейтингда юқори ўринларда (2023 йилда 41 ўрин) бораётган Грузия Миллий банкга тажриба алмашиш ташрифи ташкил этилди.

Грузия Миллий банки фаолиятининг муҳим жиҳати шундаки, у ерда банк томонидан бажариладиган 800 дан ортиқ вазифа, функция ва амал (процедура)ни қамраб олувчи хатарларни бошқариш тизими жорий қилинган.

Айнан мана шу тизим доирасида Грузия Миллий банки фаолиятидаги барча, жумладан, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, юзага келиш эҳтимоли ва салбий таъсири даражасини баҳолаш ҳамда уларни бартараф этиш (таъсирини камайтириш) чоралари қўрилади.

Грузия Миллий банки ижобий тажрибасини эътиборга олиб, бугунги кунда Марказий банкда Халқаро валюта жамғармаси техник қўмагини жалб қилган ҳолда, хатарларни бошқариш тизимини жорий қилиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Марказий банк тизимида коррупциянинг олдини олиш чораларини қўриш, уни келтириб чиқариш мумкин бўлган сабаб ва шарт-шароитларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши муросасиз муҳитни шакллантиришга қаратилган сайё-харақатлар келгусида ҳам изчил давом эттирилади.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ



Эркин ДОРИПОВ,
Тошкент вилояти адлия
бошқармаси масъул
ходими

Бошланиши 1-бетда

Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Бундай адлия бошқармасига жорий йилнинг ўтган орти ойида 4 минг 565 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 4 минг 317 таси, яъни 94 фоизи ҳал этилган — 2 минг 866 таси қаноатлантирилган, 1 минг 451 та мурожаат муаллифига ҳуқуқий тушунтириш берилган.

Мурожаатларнинг асосий қисмини меҳнат муносабатлари, ижтимоий ҳимоя, уй-йўлга бўлган ҳуқуқлар, таълим ва нафақалар олиш кабилар ташкил этган. Бошқарма томонидан аҳоли мурожаатларини қўриб чиқишда, биринчи навбатда, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларга ҳуқуқий ёрдам беришга эътибор берилмоқда. Зеро, инсон учун унинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларидан муҳим қадрият йўқ.

Интеллектуал мулк ҳимояда

Бугунги кунда интеллектуал мулкка оид қонунчилик изчил ислох этилиб, соҳадаги бошқарувни такомиллаштириш, муаллиф ва ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларини етарли даражада ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилляпти.

Президентимизнинг 2021 йил 28 январдаги “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига қўра, кичик ва ўрта бизнес субъектлари тадбиркорлик фаолиятини рақобатбардошлик муҳитида юритишда айнаин интеллектуал мулк — ихтиро, саноат намунаси, товар белгиси муҳим ўрин тутаяди.

АҲОЛИ МАНФААТИ — ЭНГ АСОСИЙ МАСАЛА

Жорий йилнинг иккинчи чорагида вилоят ҳудудидаги бозорлар, савдо шохобчалари ва дорихоналарда, шунингдек, туманларда хизмат кўрсатиш белгиларидан фойдаланиш ҳолати бўйича 25 та профилактик кузатув тадбири ўтказилиб, 96 та контрафакт махсусот аниқланди. Натижада 21 та тақдимнома ҳамда 6 та маъмурий материал расмийлаштирилиб, қўриб чиқиш учун тегишли судларга юборилди. Бундан ташқари, 250 га яқин “Контрафакт махсусотлар каталоги”ни вилоят ҳудудида жойлашган бозорлар, йирик савдо мажмуалари ва дўконларга тарқатиш орқали тушунтириш ишлари олиб борилди.

Масалан, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил де-вони билан келишган ҳолда, бошқарма

наркология бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисида, 14 минг 640 таси пенсия (нафақа) ҳақида маълумотнома олиш, 36 минг 746 таси кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича мурожаатлардир.

Жорий йилнинг 6 ойида 16 минг 924 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтган бўлса, унинг 3 минг 666 таси юридик шахслар, 13 минг 258 таси эса тадбиркорлик субъекти ҳисобланади. ДХМлар орқали хорижий инвестиция иштирокидаги 26 та қўшма ва хорижий корхона ҳамда хорижий сармоя иштирокидаги 11 та корхона рўйхатдан ўтган.

Олис, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг давлат хизматларига бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш мақсадида 6 минг 561 та сайёр давлат хизмати ташкил этилди.

ва қонун бузилишлари аниқланди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган орти ойида ваколатли органлар давлат хизматлари кўрсатишда 8 мингдан ортиқ қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган. Уларнинг 9 мингга яқинида ишни қўриб чиқиш муддати бузилган бўлса, 175 тасида мурожаатлар асосиз рад этилган.

Қонунбузилиш ҳолатлари идоралар кесимида таҳлил қилинганда қўринадик, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларда 3 минг 290 та, Қўриқлиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ҳудудий тузилмаларида 1 минг 333 та, Давлат кадастрлар палатаси ҳудудий тузилмаларида 1 минг 329 та, солиқ органларида 663 та қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилган.

Бошқарма томонидан ваколатли идораларга 214 та огоҳнома, 15 та тақдимнома киритилиб, 40 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. 190 нафар шахсга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларни идентификациялашнинг мобил-ID тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам аҳолига жуда катта қўлайлик яратди. Мазкур қарор электрон шаклда фойдаланиш мумкин бўлган давлат хизматлари бўйича аҳолининг идорама-идора сарсон бўлиб юришининг олдини олади, хизматлардан фойдаланиш учун узундан-узқ навбат кутиб туришига чек қўяди.

Мобил-ID тизими фойдаланувчиларга электрон рақамли имзони қўлламаган ҳолда, кредитлаш соҳасида



кўрсатиладиган молиявий хизматлардан ташқари барча давлат хизматларидан фойдаланиш имконини беради.

Барака топишсин!

Бундай қўлайлик ва имкониятлар одамлар чехраларига кўчгандек гўё. Бу ҳушудлик кўзлардан кўзларга, сўзлардан сўзларга ўтаётир. Келинг, бу борада фуқаролар фикрларини ҳам бир эшитиб қўрайлик:

— Аҳоли учун ҳозиргида яратилаётган қўлайлиқни илгари кузатмаганман, — дейди Чирчиқ шаҳри “Шодлик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нишонбой Қурбонов. — Маҳалламиз шаҳардан 18 қақирим узоқда жойлашган. Олис ва чекка ҳудудда яшовчи фуқароларга енгиллик яратиш, вақтини тежаш мақсадида Давлат хизматлари маркази томонидан тез-тез сайёр хизматлар кўрсатилади. Бир галги учрашувда марказ ходимлари томонидан фуқароларимизга субсидия олиш тартиби, пенсияга чиқиш, мобил-ID, кадастр ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш, болаларни давлат мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш бўйича ҳуқуқий тушунчалар берди. Маҳалламиздаги 7 фуқарога шу ерда давлат хизматлари кўрсатилди.

— “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғинида 16 мингга яқин аҳоли яшайди, — дейди ёш фермер Дилмурод Аскарлов. — Туман марказидан 15 қақирим олисда жойлашган маҳалла аҳлининг давлат хизматларидан фойдаланиш учун марказга бориб келиши қийин эди. Маҳалла фуқаролар йиғини биносига аҳолига қўлай

шарт-шароитлар яратиш ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш мақсадида туман Давлат хизматлари марказининг филиали очилди. Яқинда аукцион орқали ер ютиб олган эдим. Еримни деҳқон хўжалиги сифатида рўйхатдан ўтказиш учун Давлат хизматлари марказининг Бўстон филиалига мурожаат қилдим. Марказ ходимлари бир зумда давлат рўйхатидан ўтказиб берди. Электрон рақамли имзо қалитини ҳам олдим. Фаолиятимни қонуний олиб боришга имконият яратилди.

— Ёшим 80 га яқинлашиб қолди, иккинчи гуруҳ ногирониман, — дейди Жуманазар ота Худойбердиев. — Узим мустакил юра олмайман. Беқобод тумани Улугбек қўғонидида Илгор маҳалласида яшайман. Яшаб турган уйимизнинг ҳужжатлари анча олдин йўқолганди. Саломатлигим сабабли Давлат хизматлари марказига боролмаётган эдим. Марказ ходимлари ўзлари келиб, шу ерда хизмат кўрсатди. Архивдан сўров асосида уйимизнинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун туман ҳокимининг қарорини тиклашга ариза бердим. Тез фурсатда ишим биттадиган бўлди. Барака топишсин.

Бир қарашда жуда оддий, содда жумлалар. Аммо шу икки сўз замирида бугунги ислохотлардан шукроналик туйғуси мужассам. “Инсон қадри учун” эзгу ғоясининг одамлар ҳаётида акс этаётгани, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этилгани, давлат хизматларидан фойдаланиш учун барча шароит яратилаётганидан миннатдорлик бор бу сўзларда.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



Бошланиши 1-бетда

Стратегияда беш йўналиш — ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, халқ

хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш ҳамда мамлакатни хавфсиз ва тинчликсевар давлатга айлантириш ишларини давом эттириш бўйича 100 та мақсад ўрин олган.

Эътиборлиси, бу мақсадларнинг ҳар бири “Халқ хизматидаги давлат” тамойили асосида фуқароларнинг бугунги ҳаётини янада яхшилаш учун йўналтирилиши кўзда тутилган.

МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ИНЪИКОСИ



Шоҳруҳ ТИЛЛАБОЕВ,
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси, “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиати, эксперт:

— Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши халқ ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабат усуллари-дан биридир. Чунки қонун лойиҳалари муҳокамаси жараёнида қатнашиш фуқароларнинг давлат бошқарувида бевосита иштирок этиши-га замин яратлади.

Ҳозирги вақтда ахборот ва телекоммуникация технологиялари ривожланиши билан боғлиқ бўлган жамоатчилик муҳокамаси институти кенг тарқалмоқда. Жумладан, Президентимизнинг “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармони, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси лойиҳалари ҳам электрон тармоқлар орқали жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

Ушбу ҳужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ версияси regulation.gov.uz ва 2030.strategy.uz порталларида эълон қилинди. Фармон лойиҳасида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш, унинг ижросини ташкил этиш ва мониторинг қилиш масалалари ўз аксини топган. Қарор лойиҳасида эса стратегияни 2023 йилда амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар ҳамда 2024 йилга мўлжалланган вазифалар акс этган. Бунда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси мақсадлари ва самарадорлик кўрсаткичлари содда ҳамда қулай шаклда ифодалангани билан аҳамиятлидир.

“СТРАТЕГИЯ ЛОЙИҲАСИДА ИЛГАРИ СУРИЛГАН МУҲИМ ТАШАББУСЛАРДАН ЯНА БИРИГА АЛОҲИДА ТЎҲТАЛИШ ЖОИЗ. БУ — МИЛЛИЙ КИНЕМАТОГРАФИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ. БУ БОРАДА МУҲАММАД ХОРАЗМИЙ, БЕРУНИЙ, ИБН СИНО, АМИР ТЕМУР, МИРЗО УЛУҒБЕК, АЛИШЕР НАВОЙИЙ, БОБУР МИРЗО ҲАҚИДА ДУНЁ КИНО БОЗОРЛАРИДА РАҚОБАТ ҚИЛА ОЛАДигАН ЯНГИ БАДИЙ ФИЛЬМЛАР ЯРАТИШ МАҚСАДЛАРИ ЎЗ АКСИНИ ТОПГАН.

Мазкур стратегия лойиҳасида таълим тизими ислохотларига ҳам алоҳида ўрин берилган. Бу — бежиз эмас. Чунки таълимни ривожлантирмасдан туриб, юксак тараққий этган жамият барпо этиш мушкул. Шу боис, ҳужжат лойиҳасида мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган таълим ислохотларини тизимли асосда давом эттириш ва янги босқичга кўтариш кўзда тутилган. Жумладан, педагоглар малакасини ошириш имкониятини кенгайтириш ва уларнинг моддий турмуш шароитини янада яхшилаш чора-тадбирлари белгиланган.

Стратегия лойиҳасида “Эл-юрт умиди” жамғармаси кўмағида Мактабча ва мактаб таълими вазирилик тизимида фаолият олиб бораётган ходимларни чет мамлакатларга малака ошириш ва стажировкага юбориш режасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган. Бу педагогларимиз учун катта имконият бўлиб, илгор хорижий давлатлар тажрибасини амалиётда қўллашга кенг йўл очади.

Олий таълим билан боғлиқ ишлар алоҳида эътиборга эга. Стратегия лойиҳасида олий таълим қамровини янада кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадлари назарда тутилган. Ҳозирги кунда ОТМларнинг асосий мақсадларидан бири малакали кадрлар тайёрлаш ва дунёнинг нуфузли университетлари билан ҳамкорлик ўрнатишдир. Шундан келиб чиқиб, хорижий илмий

ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишни ҳам жорий этиш дастури қиритилмоқда.

Қувонарли яна бир жиҳати шундаки, мамлакатимиз ОТМлари кейинги йилларда сезиларли натижаларга эришмоқда. Яқинда Буюк Британиянинг нуфузли рейтинг ташкилоти “Times Higher Education” агентлиги томонидан эълон қилинган “The Impact Rankings” рейтингда мамлакатимиздаги 47 та олий таълим муассасаси қайд этилгани бунинг исботидир. Жумладан, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент давлат юридик университети нуфузли ўринларни эгаллади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Тошкент давлат юридик университети “Times Higher Education” томонидан “Young University Rankings” рейтингда тан олинди. Ушбу мақом туфайли ТДЮУ нуфузли рейтингларга кириш учун номзод макомига эга бўлди.

Бундан ташқари, стратегия лойиҳасига асосан, ҳар йили 5 минг профессор-ўқитувчини таъриба алмашиш учун хорижий илмий ташкилотларга юбориш кўзда тутилган. Ушбу дастур профессор-ўқитувчиларнинг чет элдаги илмий институтлар билан академик алмашинуви учун катта имкониятдир.

Инвестиция йўналиши бўйича ҳам катта марралар қўзланмоқда. Хусусан, иқтисодиётга 250 миллиард долларлик янги инвестициялар, жумладан, 110 миллиард доллар хориждан, яна 40 миллиард долларлик маблаг давлат-хусусий шериклик дастурлари орқали жалб этилиши кўзда тутилган.

Бундан бўён ҳар бир тумanning инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида рейтинг жорий этилади. 150 миллиард долларлик 500 дан ортиқ стратегик технологик ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Йирик лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этаётган ўрта бизнес субъектларига 5 миллиард доллар микдорида кредитлар ажратилади.

Қишлоқ хўжалиги саноатини ривожлантириш ҳам муҳим вазифа этиб белгиланган. Жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш 25 фоиздан юқори даражага кўтарилди. Ўзбекистонда 2,5 миллион тонна сизимга эга 100 та агрологистика маркази қурилади. 300 минг гектар интенсифик бoғ ва узумзор суви таъминланган технологиялар билан таъминланади, шунингдек, тармоқ ходимлари учун 10 фоизли имтиёзли кредитлар ажратилади. Пиллачиликни ривожлантириш мақсадида тут плантацияларига яна 105 минг гектар ер ажратилади. Пахта ҳосилдорлиги

гектарига 45-50 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги 80-85 центнерга етказилади. Стратегия лойиҳасида илгари сурилган муҳим ташаббуслардан яна бирига алоҳида тўхталиш жоиз. Бу — миллий кинематографияни ривожлантириш. Бу борада Муҳаммад Хоразмий, Беруний, ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо Ҳақида дунё кино бозорларида рақобат қила оладиган янги бадий фильмлар яратиш мақсадлари ўз аксини топган. Буюк аждодларимизга бағишланган юқори сифатли фильмлар суратга олиниши ўзбек маданиятини бутун дунёга янада кенроқ очиб бериш имконини беради.

Миллий кинематографияни ривожлантириш учун миллий фильмларнинг нуфузли халқаро кинофестивалларда иштирокитини таъминлаш ҳамда энг оммабоп интернет платформаларига жойлаштириб бориш назарда тутилган. “Netflix”, “Amazon”, “Disney” каби энг оммабоп 10 та интернет платформасининг фильмларга технологик талабларини ўрганиш ҳамда мослаштириш мақсади ёшлар ва кино ихлосмандлари учун энг яхши хабар бўлди. Ушбу платформалар орқали халқимиз сифатли ва асл дубляжда фильмлар томоша қилиши мумкин бўлади. Таъкидлаш жоизки, ушбу платформалар муаллифлик ҳуқуқининг юқори ҳимоясига эга, бу эса одамларни сифатсиз фильмлар томоша қилишдан огоҳлантириш имконини беради.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНМОҚДА



Шавкат ФАЙЗУЛЛОВ,
Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани ИИБ ходими, тадқиқотчи эксперт:

— “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган ва амалга оширилиши давом этаётган, ўз аҳамиятини йўқотмаган барча долзарб мақсад ва вазифалар бажарилиши таъминланади.

Бунда бош мақсад эътиборлидир. Президент фармони лойиҳасида таъкидланганидек, халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли янги Ўзбекистонини барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлод-ни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўлинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорлиқни кафолатли таъминлаш “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг асосий мақсади сифатида белгиланмоқда.

Стратегия лойиҳаси билан танишар эканман, ҳужжатнинг тўртинчи йўналиши — **қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш** мақсадларига эътибор қаратдим.

Президентимиз шу йил 28 июль куни Фарғона шахрида ҳудудларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида **“Биз ислохотларимизнинг илк қунлариданоқ инсон қадрини улуғлашни энг олий қадрият сифатида эътироф этдик. Янгилашган Конституциямизда ҳам Ўзбекистон ҳуқуқий давлат эканлигини муҳраб қўйдик. Ягона мақсадимиз — адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш орқали халқимизни рози қилиш”**, деди.

Мана шу мақсадлар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам ўз аксини топаётгани эътиборлидир. Юқорида таъкидлаганимиздек, стратегиянинг бош мақсадларидан бири

— **адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорлиқни кафолатли таъминлаш** ҳисобланади. Жумладан, стратегия лойиҳасининг тўртинчи йўналиши 87-мақсади айнан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятини халқ манфаатлари, кадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган. Унга кўра, ягона электрон реестр яратиш орқали жиноят иши қўзғатилишидан тортиб, иш юзасидан ҳукм чиқарилгунига қадар бўлган жараёни индивидуал рақам ва QR коди орқали кузатиб бориш имкониятини жорий қилиш, далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш фаолиятини замонавий технологиялар ва сўнгги илмий ютуқлар ёрдамида тўлиқ рақамлаштириш борасидаги вазифалар белгиланган.

Бу вазифа ва мақсадларнинг аҳамияти нимааларда кўзга ташланади? Қайд этиш жоизки, ХХI асрга ахборот технологиялари асри сифатида қаралмоқда. Шу сабабли, жамият фаолиятининг турли соҳаларига инновацион технологиялар шиддат билан кириб келмоқда.

Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг дастлабки 5 ойида Ўзбекистонда 17 минг 271 жиноят қайд этилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5100 тага кўп. Бу эса ўз-ўзидан қўшимча тергов қилинадиган ишлар суръати ошганидан далолат беради. Ушбу иш юкласини енгиллаштириш эса соҳада илгор рақамли технологиялардан фойдаланишга бўлган талабни оширади.

Айни талаб, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларда ҳам ўз долзарблигига эга. Дунёдаги трансмиллий жиноятларнинг энг хавфлиси ва аянчлиси одам савдоси, афсуски, бизнинг даврда ҳам кўпайиб бормоқда. Мехнат миграцияси, ахборот алмашинуви-нинг кучайиши одам савдоси билан шуғул-ланадиган жиноятчи гуруҳларга ўз қабиҳ ниятларини амалга оширишга имкон яратиб бераётгани ҳам сир эмас.

БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда 2,7 миллион киши, жумладан, 600-800 минг атрофида аёллар ва болалар одам савдоси қурбони бўлмоқда. Ушбу жиноят ту-файли дунё бўйича йилга 7 миллиард АҚШ доллари атрофида пул ноқонуний айланади. Мазкур статистика тергов органлари олдида ҳар бир ҳолатда адолатни қарор топтириш вазифасини қўяди.

Телекоммуникация ва электротехника соҳасидаги замонавий технологиялар жадал ривожланиши айрим жиноятчилар томонидан қўллаб-қўллаш ҳаракатларини содир этиш натижасида катта фойда олиш имконини бераётганини қундалик ҳаётимизда кузатиб турибмиз. Лекин баъзи ҳолларда уларни жи-ноий жавобгарликка тортиш учун етарли да-лилларни ўз вақтида тўплаш имкони бўлмай-ди. Шу сабабли, бу жараёнга ҳам инновацион технологияларни жорий этиш зарур.

Трансмиллий жиноятчиликка қарши кура-шиш амалиёти нафақат унга қарши кураш воситалари ва усулларини такомиллашти-ришни, балки жиноят ишларини тергов

қилиш бўйича янги процессуал механизмлар яратишни ҳам талаб қилмоқда.

Суриштирув, тергов ва суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда жиноят ишларида исботлаш воситалари ва усуллари тизимида янги техник воситалар муваффақиятли қўлланилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жино-ят иши юзасидан барча исботлаш йўллари ва далилларни тезкор ва аниқ қайд этишга им-кон берадиган аудио, видео ёзувлар ҳамда бошқа техник воситалардан фойдаланишда катта тажриба тўплаган. Бугунги кунда жи-ноятларни тезкор ва қисқа муддатда тергов қилиш, жазо муқаррарлигини таъминлашда бир қанча инновацион технологиялардан фойдаланиб келинмоқда.

Маълумки, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар асосан чет элга мўмайгина да-ромад топиш вазъида билан бошланади ва хорижий давлатда фаолият олиб бориш ҳақида сўз юритилади. Тергов амалиётида ушбу турдаги жиноятларни тергов қилиш вақтида хорижий давлат фуқароларининг ҳам кўрсатувларини олишга тўғри келади. Бу эса кўп вақт сарфига ва исботлаш субъ-екти олдида катта муаммоларни вужудга келтиради.

Агар биз “Ўзбекистон — 2030” стратегия-сида соҳага доир кўзда тутилган мақ-садларни тўлақонли амалга оширишни ис-тасак, қуйидаги усулларни амалга ошири-миш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, барча тергов ҳаракатларини видеоконфе-ренцалоқа режимида ўтказиш керак. Бу жи-ноятни тергов қилишда ва суд жараёнида жиноят процесси вақтини камайтиради. Мамлакатимизнинг исталган манзилида яшовчи гувоҳ, жабрланувчи ва бошқа про-цесс иштирокчилари билан боғлиқ тергов ҳаракатларини олиб бориш, томонларнинг барча иштирокчиларини тўлиқ сўроқ қи-лиш, тақдим этилган далилларни ўрганиш имконини беради. Яна бир муҳим жиҳати: маълумки, жиноят процессида ўз қилмиши-дан пушаймон бўлган гумонланувчилар би-лан бирга, жабрланувчига нисбатан адоват билан қаровчи жиноят содир этган шахс-лар ҳам кузатилади. Шундай вазиятларда юзлаштириш тергов ҳаракатлари вақтида масофавий тергов ҳаракатларини аҳамияти катта. Шунингдек, тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш зарур бюджет маблағларини тежашга хиз-мат қилади.

Ҳа, замон шиддат билан ривожланмоқда. Шунга мос равишда жиноят содир этилиш усуллари ҳам ўзгармоқда. Шундай экан, жи-ноятчилар айбини исботлаш жараёни ҳам замон талабларига мос равишда такомилла-шиб бориши зарур бўлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси лойиҳа-сида инсон ҳуқуқларини, адолатни таъмин-лашга доир барча мақсадлар жамиятимизда инсон қадрини юксалтириш тамойилларини амалиётга кенг тарғиб қилишни кўзлаётгани билан аҳамиятлидир.





ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲАМШИРАЛАР

Германияда ўз ўрнини қандай топаётир?

Сарлавҳага олиб чиқилган бу саволнинг жавобини мақола аввалидаёқ айтиб қўя қолайлик: хорижда меҳнат қилиш истагида бўлган юртдошларимиз давлат ҳимоясига олинган. Шу боис, улар ўзга юртларда ўз ўрнини топишда кўп ҳам қийналмаяпти. Мақоламизни икки қисмга бўлдик. Дастлаб, мамлакатимизда кейинги йилларда ташқи меҳнат

миграцияси билан боғлиқ ижобий ўзгаришлар ва хорижда ишлаш истагидаги фуқароларимизга яратилаётган имконият ва имтиёзлар ҳақида қисқача баён қилсак, иккинчи қисмда эса мана шу ислохотлар туфайли Германияга ишлаш учун кетган ўзбекистонлик ҳамшираларнинг бугунги фаолияти ҳақида сўз боради.

Имтиёз эпкинлари

Инсон ўзи туғилиб ўсган элда бахтиёр яшашни, бир касбнинг этагидан тутишни, шу орқали оиласига, элу юртига наф келтиришни истаиди. Айрим юртдошларимиз борки, улар оиласидан, ватанидан олисда таҳсил олоқда, меҳнат қилмоқда.

Бугун хорижда ўқиш ёки ишлаш аввалгидек хавотирли бўлмай қолди. Чунки чет элдаги ватандошларимиз,

вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларимиз давлатимиз ҳимоясига ўтди. Уларнинг оила

аъзоларига ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди.

Президентимиз ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги ваколатли органлар фаолиятини такомиллаштириш, хорижда ишламоқчи бўлган шахсларни талаб юқори касбларга ўқитиш, фуқароларнинг чет элда бўлиш даврида

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қайтиб келган меҳнат мигрантлари бандлигини таъминлаш, оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 йил 15 сентябрда "Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади.

Қарор муқаддимасида таъкидланганидек, кейинги йилларда хорижда ишлаётган фуқароларга нисбатан муносабат тубдан ўзгариб, меҳнат мигрантлари билан самарали мулоқот ўрнатилди, уларнинг муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда ҳал қилиш бўйича янги тизим жорий қилинди.

Шундай экан, Президент қарориди бу борадаги муносабатларни янада яхшилаш мақсадида қандай чора-тадбирлар белгиланди, деган савол туғилиши табиий. Аввало, мазкур қарор билан замон талаблари асосида қатор муҳим асосий йўналишлар белгиланди.

Меҳнат миграцияси соҳасида халқаро ҳамкорлик ривожлантирилиши, хориждаги ватандошлар ташкилотлари ва ўзбек диаспоралари билан алоқа мустақамланиши бўйича вазифа қўйилди. Хорижга ишлашга кетишдан олдин

фуқароларни касб-ҳунарга ва хорижий тилларга ўқитиш, уларга касбий малакани тасдиқловчи халқаро сертификатлар бериш масаласи эътиборга олинди. Меҳнат мигрантларини молиявий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳаёти ва соғлигини суғурталаш, хориждан қайтиб келганидан кейин бандлигини таъминлаш масалалари ҳам четда қолмади.

Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолияти юритаётган фуқароларимизнинг бугунги ва келажак ҳаёти учун мамлакатимизда амалга оширилган конституциявий ислохотлар ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда мигрантлар ҳуқуқи мустаҳкамланди. Давлатимиз ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисидида ҳам фуқароларини ҳимоя қилиши ва ҳоимийлик кўрсатиши Конституция даражасида қафолатланди.

Энди хорижда ишлаш истагини билдирган юртдошларимиздан алоҳида тайёргарлик талаб этилаётир. Касб малакасида ташқари, бораётган мамлакатни тилини ҳам пухта ўрганиш уларнинг ўзига ишончини оширади. Турли дастурлардан муваффақиятли ўтиб, тил ўрганиб, хорижда йўл олган, фаолият юритаётган фуқароларимиз давлатимиз ҳимоясидан мамнун. Ана шундай дастурлардан бири Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳамда Швейцариянинг "GLOBOGATE Concept AG." ташкилоти ўртасидаги келишувга асосан, тажрибали тиббиёт ходимларини Германияга ишга жалб этишдир. Дастурга мувофиқ, бугунги кунда 14 нафар юртдошимиз Германияда фаолият юритмоқда.

— Компаниямиз Ўзбекистонда Германияда ишлаш учун турли йўналишдаги мутахассисларни тайёрлаш лойиҳасини амалга оширувчи энг йirik ташкилотдир, — дейди "GLOBOGATE Concept AG." минтақавий менежери Лео Дук. — Мақсадимиз тиббиёт муассасаларига кадрлар тайёрлаш ва етказиб беришдан иборат. Ўқув курсларимизда Германия тарихи ва қонунчилиги, шунингдек, миллий урф-одатлари ўргатилади.

Бунёджон Йўлдошев,
Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Германия бўйича мутахассиси:



— Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳамда Швейцариянинг "GLOBOGATE Concept AG." ташкилоти ўртасида 2021 йилда ҳамкорлик шартномаси имзоланган. Унга мувофиқ, ўзбекистонлик ўрта бўғин тиббиёт ҳамширалари Германия клиника ва шифохоналарида иш билан таъминланади. Дастлабки танлов жараёни 2021 йил октябр ва ноябрь ойларига бошланган. 2022 йил январь ойидан немис тилини ўқитиш дастури йўлга қўйилди. Дастурга танлов жараёнида иш бевручи клиникалар томонидан саралаб олинган номзодлар жалб этилган.

Номзодлар бир қанча талаблар асосида сараланган. Яъни Германияда ишлаш истагини билдирган ўрта бўғин тиббиёт ҳамшираси имтиҳонга қадар ишдан тўлиқ озод этилган, 39 ёшгача, тиббиёт коллежи ёки техникумнинг уч йиллик дипломига эга, даволаш ва ҳамширалик ишлари

йўналишида таҳсил олган бўлиши талаб этилади. Шу талабларга жавоб берадиган номзодларга 10 ой давомида немис тили ўргатилади. Дарслар ҳафтада 5 кун, кунига 5-6 соат бўлади. Немис тили бўйича тажрибали ўқитувчи ажратилади. Бундан ташқари, ўқувчилар мустақил шугулланади.

Дарҳақиқат, хорижда ишлашни мақсад қилган юртдошларимизнинг тилини пухта билиши, қамида мулоқот қила олиши жуда муҳим. Ўз касбининг устаси бўлса-ю, суҳбатдошини тушунмаса, тушунса-ю, фикрини тушунтириб бера олмаса, бунинг ортидан қўллаб муаммолар туғилиши мумкин. Айниқса, бу тиббиёт соҳаси бўлса, масъуляти янада ортади.

Имтиҳон жараёнининг мураккаблиги ҳам шунда. Бугунги кунгача дастурга жалб этилган ўрта бўғин тиббиёт ҳамшираларидан 14 нафари немис тилидан В2 даража сертификатини қўлга киритиб, Германия клиникаларида фаолиятини бошлаб юборди. В2 даражани олган яна 16 ҳамширага виза расмийлаштирилди.

"GLOBOGATE Concept AG." билан қўшимча келишувга мувофиқ йўлга қўйилган 10 ойлик дастур давомида фуқароларнинг харажатлари Ўзбекистон ва Германия томонидан тўлиқ қўллаб берилади. Ўзбекистон дастурга қабул қилинган номзодлар учун ётоқхона, техник жиҳозлар билан таъминланган ўқув хоналари ажратлади. Бундан ташқари, дастурга қабул қилинган ҳамширалар ишдан бўшагани сабабли уларнинг хар бирига олти ой мобайнида стипендия (ишсизлик нафақаси) беради. Швейцария томони эса тил ўқитиш бўйича мутахассислар, ўқув материаллари, кейинчалик ҳамшираларни диплом, диплом иловаси ва қўшимча ҳужжатларнинг Германияда тан олинлигини таъминлайди. 10-12 ойлик дастурни битирган ҳамшираларни Тошкент шаҳрида жойлашган Гёте институти ёки сертификатлаштириш марказларидида тўловлари ҳам уларнинг зиммасида.

Агар ҳамшира имтиҳондан биринчи уринишда ўтолмаса, яна уч мартагача имконият тақдим этилади ва харажатлари қўллаб берилади. В2 даража олган ҳамшираларнинг элчиҳонада ҳужжат расмийлаштириши, визометрияни ҳам халқаро ташкилот зиммасига олади. Виза олган ҳамшира авиачиптаси, Германияга бориши ва аэропортдан белгиланган манзилгача етиб олиши ҳам шу ташкилот томонидан амалга оширилади. Икки босқичли синовдан муваффақиятли ўтган ҳамшираларнинг меҳнат шартлари немис ҳамширалари билан бир хил (ойлик 2450 евродан бошланади, нафақа, суғурта, таътил кафолатланади).

Астойдил ҳаракат қилганлар нуфўзли клиникаларда ишламоқда

Ҳозиргача 10 ойлик дастурга 600 нафар ўрта бўғин ҳамшираси жалб этилган бўлиб, айна пайтда 450 ҳамшира таҳсил олоқда. Айрим мутахассислар оилавий шароити, немис тилининг мураккаблиги ва бошқа сабабларга қара, дастурни тарк этди. Дастурга стоматология, ўқитувчилик, доришўнослик, администратор ва ЛОР соҳасида шугулланган номзодлар қабул қилинмайд.

Биз айна пайтда Германияда фаолиятини бошлаган юртдошларимиз, лойиҳа

иштирокчилари билан боғландик. Улардан бири — Феруза Эгамқулова.

Феруза Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида туғилган. Мактабни битириб, Янгийўл тиббиёт коллежига ўқишга кирган. Бошалигидан ҳамшира бўлишни орзу қилган Феруза коллежни аъло баҳолар билан битирди. Сўнг ўзи туғилиб ўсган туманга ишга жойлашди. Оққўрғон тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасидаги 14 йиллик тажриба уни тоблади. Беморлар билан ишлаш малакасини шакллантирди. Дори-дармон билан даволашдан ташқари беморларнинг руҳиятига қараш ҳам муҳим эканини ўрганди.

— Мулоқот ишимизда бир-ларини қўмак эканини туман поликлиникасида англаганман, — дейди Ф.Эгамқулова. — Бундан ташқари, касбимга оид китоб ва журналлар ўқишни қанда қилмасдим. Уларда бемор психологиясига оид билимларимни ошириб борардим. 2021 йил ноябрь ойида "GLOBOGATE" дастури ҳақидаги эълонни ўқиб қолдим. Табиийки, кўнглимдан "қанийди мен ҳам шундай давлатларга бориб ишласам, тажриба ортирсам", деган ўй кечди. Бироқ биласиз, ўзбекчилик, оилали аёлларнинг четга чиқиб ишлаши қўллаб-қувватланавермайди.

Турмуш ўртоғимга янгиликни айтсам, ижобий қабул қилди. Имтиҳонлардан ўта олишимга кўзим етса, ўзимни синая қўришим мумкинлигини айтди. Дастлабки синовдан муваффақиятли ўтгач, менда Германияга кетишга қизиқиш ортди. Немис тили дарсларига иштиёқ билан қатнадим, мустақил шугулландим. Меҳнатларим зое кетмади, шу йил январь ойида В2 даража сертификатини олдим. Дарсларга илк бор келганимда, ишонасизми, немис тилини умуман билмасдим. Ҳатто алифбосини ҳам.

Шундан сўнг Германияга кетиш учун ҳужжат ишлари бошланди. Бу борада Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги яқиндан қўмак берди. Агентлик ходимлари ҳужжатларни ўзлари тайёрлаб, Германияга кетгунча қадар бу ишларга бош-қош бўлди. Ҳатто бизни кузатиш учун аэропортга чиқди. Март ойида Гутенберг шаҳрига келиб тушдик. Бу ерда яна икки ой ўқидик. Тиббиёт дарсликлари билан танишдик, амалиёт ўтадик. Имтиҳонлардан сўнг Европа мамлакатларида ҳам тан олинмадиган дипломага эга бўлдим. Айна пайтда Бранденбург шаҳрида яшаб, ишляпман.

Бу фарзандларимдан, оиламдан биринчи марта узок яшашим. Аввал хорижга чиқмаганман. Ўзига яраша қийинчиликлар, Ватан соғинчи бор. Бироқ немис халқи ҳам ўзбекларга ўхшаб меҳрибон ва савимий экан. Ётоқхона билан таъминланганимиз. Барча шартлар муҳайё. Бу мамлакат ҳамширалари билан тенг ҳуқуқлигимиз, уларга хос имтиёзлардан фойдаланамиз. Саволлар туғилса, интеграцион менежерга мурожаат қиламиз. Қувонарлиси, биз хорижда ҳам давлатимиз ҳимоясида эканимизни ҳис қиламиз. Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги билан доимий алоқадамыз. Ўз йўналишим бўйича хорижда ишлаб, тажриба ортираётганимдан хурсандман. Оилам билан деярли ҳар кунга гаплашаман. Фарзандларимнинг таълимини назорат

қиламан. Улар катта бўлиб қолди, янги ўқув йилида катта фарзандим 10-синф, уртанчам 6-синф, кичкинам 1-синфга боради. Яқинда улар ҳам ёнимга, Германияга келади, бунинг учун керакли ҳужжатларни тайёрляпмиз.

Бир жумла Ватан меҳри, соғинчини синовдан ўтказди

Дунё кўриш, фарқли маданиятлар билан тўқнаш келиш, турфа феъл-атвори инсонлар билан мулоқот қилиш ҳақида завқли. Германияда фаолият юритаётган юртдошларимиз хорижда ишлаш улар учун катта имкон эканини бот-бот таъкидлайди. Зулайхо Худойбердиева ҳам "GLOBOGATE" дастури иштирокчиси. Имтиҳонлардан намунали кўрсаткич билан



ўтиб, айна пайтда Германиядаги "Аскилпос" клиникасида ҳамшира бўлиб ишламоқда.

— Асли самарқандликмиз. Галлароол тиббиёт билим юртида ўқиб, 2000 йили Нарпай тумани катталар поликлиникасида иш бошлаганман, — дейди суҳбатдошимиз. — Патронаж ҳамшираси сифатида шу ерда тажриба тўпладим. Кейинроқ оилавий шариот туфайли Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрига кўчиб келдик. Бу ерда шахар реанимация бўлимида ҳамшира бўлиб 10 йил ишладим. Анестезиология бўйича малака оширдим. Ишим, жамоам яхши эди, улар билан кунда-кунора гаплашиб тураман, соғинаман.

2022 йилда янаним ҳамшираларини Германияга ишга юбориш ҳақидаги дастур ҳалоласини юборди. Резюме тўлдириб, керакли манзилга жўнатдим. Бироқ мени чақиришларига ишончим қомил эмасди. Улар менга телефон қилиб, суҳбатга таклиф этишганида, жуда қувондим. Суҳбатлардан ўтдим. Тошкент шаҳрида ташкил этилган немис тили курсида ўқидим. Тил ўрганишга иштиёқим баланд эди. 9 ойда сертификат олдим.

Германияга келгач, клиникага ишга жойлашдим. Бугун мен ҳам бу ердаги ҳамкасбарим қатори Европада тан олинган ҳамшираман. Бу йўлни босиб ўтишимга давлатимиздаги имкониятлар сабаб, деб қиламан. Агентлик ходимлари тушунлиққа тушган пайтларимиз мотивация берди. Ҳозиргача маслаҳат олиш керак бўлса, ёрдамини аяшмайди. Батафсил жавоб беришади. Улардан миннатдорман.

Тил билиш жуда муҳим. Немис ҳамшираларидан нима талаб қилинса, биздан ҳам шу талаб этилади. Немис тилида ҳужжат юрита оламиз. Тушунтиришса, тушунамиз. Қўл қўйиш керак бўлса, тушуниб қўл қўямиз. Тил билиш ҳимоя эканини шу ерга келиб англадим. Немис халқининг бизга муносабати яхши. Ўз касбини севган инсон ҳамшира эҳтиромга лойиқ бўлади. Касбимга муҳаббат туфайли бу ерда ҳам эътибор қозоналман. Энг аввало, ортимда Ватаним турганини чуқур ҳис қиламан. Ўзбекистонлик ҳамширалар малакали эканини дунё билишини истайм.

Менда ҳозир В2 даража тил сертификати бор. Бу ўз йўлига, мен тилини яхши ўрганиш, кундалик мулоқотда муаммоларга

ва ҳамшира фарзанди, оиладаги муҳит уни тартибли ҳамшира сифатида шакллантирди. Ёш бўлишига қарамай, ишининг устаси, немис тилини ҳам қисқа фурсатда ўзлаштириб олди. У айна пайтда Германиянинг "Аскилпос" клиникасида ишламоқда.

— Отам ҳарбий соҳада ишлагани боис, турли жойларда яшашимизга тўғри келган. Бир муҳитдан бошқа муҳитга тез мослашаман, қийинчиликлари осон енгаман.

Тошкентдаги тиббиёт коллежидида таҳсил олдим. Ойир-босик бўлганман. Доим четда ўтириб бошқаларни кузатишни яхши кўрардим. Мулоқотга кириша олмаганман.

Бир танишим Германияга ҳамшираларни юбориш ҳақидаги дастурини айтиб қолди. Кўрсатилган почтага резюме юбордим. Мактабда инглиз тилини ўрганганман. Рус тилида бемалол мулоқот қила оламан. Оиладаги муҳит туфайли немис тилини ҳам бир оз ўрганганман. Бироқ қийин тил бўлгани туфайли ташлаб кетганман. Лойиҳага келгач, махсус дарслардан ташқари YouTubeдан ҳам мустақил тил ўргана бошладим. Мавзулар қийинчилиги учун қўшимча дарс қилиш талаб этиларди. Сўзлар ёдладим, луғатимни бойитдим. Бу ерга келгач, мулоқот қилишни ўргандим.

Ўзбекистонда Президент Администрацияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармасининг 2-марказий консултиватив диагностика поликлиникасида ишлаганман. У ерда тўплаган тажрибам қўл келди.

Бу ерда ҳам шароит жуда яхши. Вазифам — кексаларга қараш. Ўзига яраша қийинчиликлари ҳам бўлади, лекин қўлчилик меҳрибон. Жуда яхши муносабатда бўлишади. Куним уларнинг қон босими ва пульсини ўлчаб билан бошланади. Ўз вақтида дориларини ичириш, овқат тарқатиш, биргалликда сайр қилиш — завқли.

Оилам Ўзбекистонда, уларсиз, табиийки, қийналаман. Онамнинг овқатларини қўйсаман. Бошида бекор келдимми, дея қўл ўйладим. Бироқ мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас, дейишади. Ёшлик аслида — имконият. Аста-секин кўнжикдим. Бу имкониятдан унумли фойдаланишга бел боғладим. Ўз устимда ишлаб, олий маълумот олишни мақсад қилганман. Ортимизда ҳолимизни сураб турувчи, қўллаб-қувватловчи давлатимиз бор. Бизга ишонч билдирилдики, бу ишончни оқлашга ҳаракат қиламиз.

Биз хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган юртдошларимиз учун яратилган имконият ва имтиёзлар, бунинг самарасида Германияда иш бошлаган ўзбекистонлик ҳамширалар ва уларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида қисқача тўхталдик.

Бу борадаги ишлар тизимли давом этади. Боиси, айна кунларда жамоатчилик муҳокамаасига қўйилган "Ўзбекистон — 2030" стратегияси лойиҳасида ҳам меҳнат мигрантларига доир мақсадлар ўрин олган. Булар ишга жойлаштириш бўйича хорижий томон билан келишувлар сонини ошириш, фуқароларни хорижий ҳамкорлар билан биргалликда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида касб-ҳунарга ва чет тилларга ўқитиш тизимини кенгайтириш, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни реинтеграция қилиш, шу жумладан, бандлигини таъминлаш, касбий малакасини ошириш ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш, ноконуний ташқи меҳнат миграцияси ва одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш каби жиҳатларда ўз аксини топиши кутилмоқда.

Башорат ЮНУСОВА,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири



Асад АСИЛ, ёзувчи

Жадид айбномаси туфайли ҳаёти таъқибу қувғинлар остида ўтган шўрлик ватандошларимизнинг гуноҳлари нима эди? Ўқиб-ўрганайлик, билим-донлиқда жаҳонга чиқиб, ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклайлик, бутун одам бўлайлик каби одилона даъватлар учун наҳотки отиш, осиш, сургунларга бадарға қилиш ўринли ва адолатли бўлса-?! Айнан шундай жазолардан қочган шўрлик Сирожиддин Сидқий эндигона балоғат ёшига етган чоғида вагонга хуфийна жойлашиб, катта водийга қочиш орқали жонини сақлаб қолган эди. Булар ўтган аср бошидаги гаплар. Унга қадар тортилган жабру сатмаларни айтиб, адо қилиб бўлмайди...

Сирожиддинбек зиёли оилада туғилиб ўсган. Отаси Мирзохид Охунд домла Хондайлик қишлоғидаги ховлисида мактабдорлик, яъни диний ва дунёвий илм-зиёни тарқатиш билан машғул эди. Ҳазрат домла номи билан танилган бу инсондан билим олиш илминда Чимкент ва Сайрам томонлардан, ҳатто катта водий — Фарғонадан ҳам талабгорлар келиб, устознинг мўъжазгина хужраларида яшашар, билим олишдан бўш пайтларда томоқа ишларига ёрдамлашишарди. Бағрикенг устоз ҳеч кимдан ҳақ сўрамасди. Тўрт ўғил ва бир қизинг ўртанчаси Сирожиддин ўн тўққиз ёшга етгунча шундайин саховат-пеша хонадонда яшади. Сирожиддинбек катта шахар — Тошкентга отланиб, қолган умрини илм излаш, Ватанни озод ва фаровон даражага кўтаришдаги бетиним курашлар бағрида ўтказди. Бу ҳақда “Чирогим, мен Сидқийман, Хандақлиқийман” деб номланган китобимда батафсил ёритган эдим. Энди эса ватандошларимиз, айниқса, ёшларимизга, қалби одамий фазилатлар, инсонгина хос меҳр-оқибатга лиммо-лим азияларимиз ҳақида баҳоли қудрат ёзмақдман. Зеро, бундай фазилатлар камёб бўлиб бораётгани сир эмас.

Сирожиддин Мирзохид ўғли — Сидқий Хандақлиқий ҳаётида, аввало, серкирра фазилатлар соҳиби Мирзохид ота, яъни Ҳазрат домланинг ибратомуси умри алоҳида ўрин эгаллайди. Шу билан бир қаторда, устознинг севибли шогирди, Тошкентга бориб, мударрис домла даражасига кўтарилган Имомали отанинг хизматларини алоҳида айтиб ўтиш ўринли. Қолаверса, Тошкент бағрида не-не машаққатлар билан яшаган Сирожиддин Сидқийнинг даврдош дўстлари, устозлари Камий, Ифбат, Ризоий, Тавалло, Бехбудий, Камол Турбатий, Фитрат, Чўлпон каби ватанпарварларнинг Сирожиддин Сидқийга жуда катта ижобий таъсирлари бўлган. Сибир сургунидан қочиб, катта водийда азоб-укубатлар оғушида яшар экан, бағрикенг зиёлилар унга таянч-мадад бўлган. Бу борада биргина Ризоий Анджонийнинг йиллар давомида Сидқийга қўрсатган ғамхўрлигини айтиб ўтиш kifоя.

Умр бўйи таъқибу, қувғинлардан қочкача Тошкентга қайтган Сирожиддин

Ҳаётнинг не-не машаққати ва изтиробларига лиммо-лим ҳақиқатларни қоғозга тушириб, авлодларга, айниқса, ёшларга етказиш муҳим масала. Зеро, ҳозирги тўқис ҳаётимиз осонликча қўлга киритилган эмас...

Сидқийнинг сўнгги сафари Парвезтепа серкирра адибнинг устоз, дўст ва шогирдлари беҳисоб эди. Улар сафида энг меҳрибон, софдил, жонқуяр шогирди сифатида Абдулла Носировни юксак эҳтиром билан эътироф этамиз. Жонли қомус номи билан машҳур бўлган Абдулла ота болалик чоғиданоқ ҳатто тик санъати сирларини астойдил ўзлаштирган ва умри якунига қадар Сирожиддин Сидқийни юксак эҳтиром ва астойдил ҳурмат билан қалбида асради. Устоз ҳаёти ва ижодини юзага чиқариш учун бетиним курашди. Бу савобли, машаққатли ва олижаноб ҳаёт йўлида адабиётшунос олим, тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасанини ҳам четлаб ўтиш мумкин эмас.

Сирожиддин Маҳмуд Мирзохид ўғли — Сидқий Хандақлиқий ҳаёти ва ижоди билан ўтган асрнинг олтинчи йиллари охирида шугуллана бошлаган эдим. Бу ўртада дорилфунуннинг филология факультети талабасига ўйландим. Шу-шу ҳамқишлоғимиз Сирожиддин Сидқий Хандақлиқий ҳаёти ва ижоди йўлида биргаликда шугулланишга киришдик. Катта водийдан тортиб, бутун Ўрта Осиё бўйлаб Сидқийни эшитган, таниган, билган инсонлардан маълумотлар тўплаб эдим. Аёлим эса куну тун ташинкани чиқиллатиб уларни қоғозга туширарди. Билмадим, тўғри қилдимми, ё... Ҳамма нарса менинг номимда чоп этилар, шўрлик жуфти ҳалолим чеккада қолиб кетаверган экан. Яна менинг жиззаклигим, зардаю дашномларимни айтмайсизми! Қани энди унда бир оғиз эътироз, норозилик ёки гап қайтариш бўлса. Сирожиддин Сидқийга оид китоблар чоп этилганида оламга сифмас қувончларини-ку таърифлашга тилим ожиз. Мен босар-тусаримни билмайман, жадидлар оламнинг етук намоёнчаси Сирожиддин Сидқийни гўё ўзим оламга танитгандек. Афсуски, меҳрибоним умрининг сўнгги кунларини яшаётганини қайдан ҳам билардим?! Айниқса, биргина сўрови юрагим тўрига қадалди-қолди: “Ҳамқишлоғингиз Сирожиддин Сидқий уй-музейини яратиш ҳақида нега бош қотирмайсиз? Ота-боболаримиз икки минг йилдан зиёд вақтдан бери яшаган Қўрғонтепа бағрида ноёб шу иншоотни қуриш ташаббускори бўлмасангиз, бу ишга ким қўл уради? Шу орқали Қўрғонтепа нафақат Бўстонлиқ тумани, бутун Ўзбекистон, ҳатто олам одамларининг зиёратгоҳига айланиши аниқ. Шу билан бирга, кутубхона ҳам битади. Уйимизда ҳеч ким ўқимай увол бўлиб ётган мингдан ортиқ ноёб китобларимизни совға қиламиз. Ҳам Сидқийнинг уй-музейи, ҳам маънавият маркази пайдо бўлади. Тепалик ва унинг чор тарафи аянам қўрқамлашиб, ҳақиқий гузар ва сайроғоҳга айланади. Қўрғонтепа билан тенгдош чинорлар бағрида туристлар



меҳмонхонаси яратилса, уларнинг тарихини ёзиб берсангиз, ажойиб маънавий ва маданий мерос қолади келажакка!”. Ярим асрга яқин муддат ёш авлодга ўзбек тили ва адабиётидан билим бериб келган умрдошим шундай ноёб фикрларни айтар экан, юрагим орқага тортиб кетди! Жуфти ҳалолимнинг умри наҳотки тугаб бораётган бўлса-?! Ҳа, бу ҳақиқат эди. Жаҳондаги гўзалликда ҳам, доноликда ҳам, сабру бардошда ҳам ҳавас қилса арзғулик умр йўлдошимни “Тез ёрдам” Зангиотага олиб кетиб, икки кундан сўнгра, муздақина қилиб олиб келиб берди. Унинг эзгу фикр-маслаҳатлари менга мерос бўлиб қолди.

Шу кезде ҳам Сирожиддин Сидқийнинг минг бир азоблар билан яшаган ҳаёти менга таянч бўлди. Улуғ шоир боғига қандоқ борганимни билмайман. Қўзларимдан шашқатор ёш билан Сидқий ўғитларини ўқийман: “Одам уч хил бўлур, — деб ёзади шоир. — Бутун одам, ярим одам, одам ҳисобинда бўлмаган одам. Бутун одам улдирик, ўз ақлига иш буюриб, касбу корга машғул бўлур, киришур ва тиришур. Ярим одам улдирик, бокан ушнинг уҳдасидан чиқа олмас. Локин ушнинг ирошди (қўрсатмаси) бирлан ишга киришур ва тиришур. Одам ҳисобинда бўлмаган одам улдирик, на унисининг ва на бунисининг уҳдасидан чикур. Улар дангасалар, текинқўрлар ва ялқовлар жамоаси эрурки, таъма бирлан кечинурлар”.

Сидқий насиҳатларини ўқиб ўтирар эканман, елкамда кимнингдур қафтини сездим. Бош кўтариб, боғ раҳбари Дилшод Тиллаҳўжаевни кўрдим.

— Бу қадар ёниб қуяверманг, — кўнгил сўради у. Унинг ҳамма воқеадан хабари бор экан. — Сиз халқимизга, Сидқий каби улуғ инсонлар ҳаёти ва ижоди билан, айниқса, ёшларни хабардор этишга керакисиз.

— Мен олдин ўтишим лозим эди... Ахир жуфти ҳалолимдан олти ёш улуглигим бор эди-ку.

— Ҳай-хай, унақа деманг! — юпатди Дилшод Тиллаҳўжаев. — Демак, сиз яшашингиз керак, бу оламда қиладиган ишларингиз хали бор экан. Яратган Эгамизнинг изми шу!

Бу воқеадан кейин ўзимни анча қўлга олдим. Жуфти ҳалолимнинг менга айтган ўша маслаҳатлари, аниқроқ, васиятлари амалга оширишга киришишим керак. Шу кўннинг эртасигаёқ Бўстонлиқ тумани ҳокимининг қабулига кирдим. Ҳоким ҳам менга таскин бериб, биз биргаликда қишлоққа чиқдик. Сирожиддин Сидқийнинг уй-музейи ва кутубхона қуриладиган жойларни кўрдик. Айниқса, икки минг йилдан зиёд умр кўраётган бобочинорлар у кишида чўқур таассурот уйғотди.

— Қўрғонтепа ва бобочинорлар тарихини ҳам яхшилаб ёзиб беринг, уларни абадийлаштириш ва туризмга оид масалалар билан алоҳида шугулланамиз, — деди ҳоким осмонўпар гўзалликларга ҳавас билан тикилар экан. — Ёнгинамизда шунақа ажойиб табиат гўзалликлари туриб, биз қаёқлардан мўъжизалар излаб юрмиз.

Дарҳақиқат, шундай. Инсон одатда шундоқ ёнгинамизда бахтни нагадир узоқлардан қидириб юради. Ўз юртидаги қаҳрамонларга ҳам, юртининг гузал сарҳадларига ҳам чин дилдан эътибор қаратавермайди. Ваҳоланки, биз юртимизнинг ҳар қарич ерини асраб-авайлашимиз, ватанпарвар, фидойи инсонларни доим хотирлашимиз лозим. Айниқса, келажак таянчи бўлган ёш авлод эса бу борадаги эзгу ташаббусларда фаол иштирок этса, ҳаётимизда туб ижобий ўзгаришлар кўпайи янада кенгаверлади. Зотан, инсоннинг эзгу мақсади, орзу-ниятлари, аввало, Ватанда улғаяди, Ватанда амалга ошади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

yuz.uz_news

ТУРИЗМ

Бухорога

САЙЁҲЛАР ОҚИМИНИ КЎПАЙТИРИШ

йўлидаги сайё-ҳаракатлар, талаблар ва истиқболли режалар



Шавкат БОБОЖОНОВ, Тошкент давлат педагогика университети доценти в. б., тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Жорий йил 26 апрелда давлатимиз раҳбарининг “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам айни мақсадларга қаратилган.

Юқори сайёҳлик салоҳияти

Ўзбекистон туризми ривожига қадимий шаҳарлар қаторида Бухоро алоҳида салоҳиятга эга. Шаҳар қадимдан жаҳонда, айниқса, мусулмон дунёсида маълум ва машҳур бўлган. Бугунги кунда воҳанинг 13 туман ва шаҳарларида 500 га яқин зиёратгоҳ, муқаддас қадимжолар сақланган. Биргина Бухоронинг 555 гектарлик Эски шаҳар қисмида 133 дан ортиқ зиёратгоҳ (83 таси сақланган) ва 40 га яқин қадимий қабристон (11 таси сақланган) жойлашгани тарихий маълумотларда учрайди.

Бугун мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, зиёрат туризми йўналишида тасаввуф алломалари, аёллар номи билан аталувчи, хунармандлик пирлари билан боғлиқ, авлиё даражасига кўтарилган машойиқ, олим, подшо ва ҳукмдорларнинг мақбаралари ҳамда шифобахшлик хусусиятига эга зиёратгоҳлар каби янги зиёрат йўналишларини очиш мумкин. Шунингдек, конфессиянал маҳаллий ва халқаро даражадаги зиёрат жойларини ишлаб чиқиш имкониятлари мавжуд.

Туризмнинг олтин қондаси

Ҳар бир сайёҳ ва зиёратчининг Бухорондан юқори кайфият ва яхши таассурот билан кетиши ёки қайтиб келишига қизиқиш билдириши, бошқаларга тавсия этиши саёҳат йўлбошловчиларининг (гид) маҳорати ва юксак маданиятига ҳам боғлиқ. Айни вақтда улар хос ташқи кўриниш, юқори тил билиш даражаси, юксак муомала ва нуҳт маданияти, юқори даражадаги тарихий билимлари, ҳар қандай саволларга жавоб бера олиш қобилияти ва салоҳиятига эга бўлиши каби мезонларга жавоб бера олиши керак. Энг асосийси, ўзига эргашган саёҳатчилар жамоасига масъулиятли бўлиши талаб этилади, десак муболага бўлмайди. Бугун соҳада асосан, рус, инглиз, немис, турк тилларида хизмат кўрсатувчи 211 саёҳат йўлбошловчи бўлса-да, айни пайтда хитой, корейс, француз, испан, итальян, араб, форс тилларида хизмат кўрсатувчиларга ҳам талаб юқорилиги сезилапти. Бу эса, келажакда воҳада бу турдаги саёҳат бошловчиларини тайёрлаш заруратини тўғдирмоқда.

Маълумки, меҳмонхоналар меҳмон ва мезбон муносабатлари тўқнашадиган асосий объект ҳисобланади. Меҳмонхона ходими “сайёҳ доим ҳақ

Сайёҳлик — “маданиятлар ўртасидаги мулоқот” орқали тинчликни сақлаш ва халқларнинг яқинлашишига ҳисса қўшадиган, шунингдек, бугунги глобаллашадиган ва интеграциялашадиган жараёнларда даромад олиш учун энг салоҳиятли соҳага айланиб бормоқда. Буни яхши англаган мамлакатлар соҳани ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қарайди. Ўзбекистонда ҳам туризм sanoatini иқтисодийнинг илғор соҳасига айлантириш, мамлакатимизга сайёҳлар оқимини кенгайтириш борасида улкан ислохотлар амалга оширилмоқда.

деган қондага амал қилиши керак. Бу меҳмондўстликнинг асосий мезони бўлиб, қабул қилувчи томон (мезбон) сайёҳга даромад манбаи, фойда объекти деб эмас, аввало, меҳмон сифатида қарashi керак. Чунки ҳар бир давлат зиёратчи ва сайёҳлари ўз талаблари асосида меҳмонхона танлашади. Масалан, япониялик зиёратчилар меҳмонхонада ванна, вентиляция тизими, намлики аниқлайдиган мослама, ISO (International Standards Organization) халқаро стандартлаштириш ташкилотининг сертификати, экологик зарар етказмайдиган маҳсулотлар, музлаткича муз бўлишини талаб этади ва шундай имкониятларга эга меҳмонхоналарда қолишни афзал кўради.

Сайёҳларга хизмат кўрсатишнинг муҳим масалаларидан яна бири гигиеник душлар бўлиб, улар барча меҳмонхоналарда ҳам мавжуд эмас. Мусулмон мамлакатлари зиёратчилари кўп ҳолларда хоналарда гигиеник душ бўлишини алоҳида талаб этади. Гигиеник душ — мукаммал таҳорат олиш ва наҳосатдан покланишга мўлжалланган қўлай, енгил ишланган иборат қўл души бўлиб, асосан, Осиёнинг мусулмон давлатларида кенг тарқалган. Одатда, сув ҳолатхона қоғози ўрнида ёки бирига ишлатилади. Ҳолатхона қоғози ва унга

бўлсак, Бухорога ташриф буюрган хорижий сайёҳ ва зиёратчилар сони 2021 йилда 49 минг нафар, 2022 йилда 552,6 минг нафарни ташкил этган, — дейди Бухоро вилояти туризм бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бобир Тўхсанов. — Уларнинг 57 фоизи МДХ давлатлари, 21 фоизи Европа давлатлари, 20 фоизи Осиё мамлакатлари, 2 фоизи Америка қитъаси ва бошқа минтақалар ҳиссасига тўғри келган. Ҳар йили уч мингга яқин малайзиялик сайёҳлар Ўзбекистонга ташриф буюраётгани ва бу кўрсаткич охиб бораётгани саёҳ-ҳаракатларнинг натижасидир. Келгусида бу ишларни янада ошириш ва жадаллаштириш кўзда тутилган.

“Самарқанд, Тошкент қатори Бухоро шаҳридаги муқаддас қадимжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилишдан иборат бўлган “кичик ҳақ” дастурини ривожлантириш ва жадаллаштириш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур жараёнда хориждаги туризм элчиларимизнинг ўрни жуда катта. Айни мақсадда Покистон, Австрия, Ҳиндистон, Япония, Қозғистон, Корея Республикасида сайёҳ-элчилари, Малайзияда “Зиёрат туризми” элчиси тайинланди. Улар орқали Бухорога хорижий зиёратчиларни фаол жалб этиш чораларини кўриш мақсада мувофиқ.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

яқин материалларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири туфайли юқоридаги тартибдан фойдаланишда.

Сайёҳлик ийрик саноат бўлиб, деярли барча соҳалар билан ҳамбарчас боғлиқ. Улкан тизим ҳисобланган туризмда ҳам, албатта, ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Уларни аниқлашда сайёҳ ва зиёратчиларнинг фикр-мулоҳазалари, таассуротлар, тақлиф ва тавсиялари муҳим аҳамиятга эга.

Зиёрат туризми маркази

Истиқболда хорижий зиёратчилар сонини кескин ошириш мақсадидаги тарбиот ишлари устувор вазифага айланган. Хусусан, хорижда мамлакатимиз туризм салоҳиятини манзилли тарғиб қилиш чора-тадбирлари режасида Бухоро зиёратгоҳларига алоҳида эътибор қаратилган. Етти пир зиёратгоҳларини Индонезия, Малайзия, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Туркия, Миср, Афғонистон мамлакатларига тарғиб этиш орқали 120 мингга яқин зиёратчини, Эрон давлатига ислом меъморчилиги тарбиоти орқали 152 минг, Россия ва Озарбайжон мамлакатларига “Аҳмад Қодиров, Оллохшўкур Пошшоода изидан” номли турлар билан Мир Араб мадрасасини тарғиб қилиш орқали 50 мингга яқин хорижий зиёратчиларни жалб қилиш белгиланган.

— Тарбиот натижаларини статистик маълумотлар орқали таҳлил қиладиган

Президентимизнинг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмининг янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига асосан, “Имом Бухорий” зиёрат туризми йўлдош телеканали ташкил этилиши, у орқали Имом Бухорийнинг бебаҳо мероси дунёнинг индонез, бенгал, малай, турк, араб, ҳинд, урду, пушту тилларида кенг тарғиб этилиши режалаштирилгани эътирофга лойиқ.

Бухоронинг бошқа воҳалардан фарқли жиҳати шундаки, у тарихий, маданий туризм қаторида зиёрат қилишдаги йўналишида ҳам қўллаб-қувватларга эга. Воҳанинг турли қишлоқ ва туманларида катта-кичиқ зиёратгоҳлар аҳоли томонидан асраб келинаётгани, ҳар бир зиёратгоҳнинг ўз хусусиятидан келиб чиқиб одат ва маросимлари ўтказилаётгани зиёрат туризмнинг турли йўналишларини йўлга қўйиш имконини бермоқда. Зеро, маҳаллий зиёрат объектларини хорижий зиёратчилар қизиқишини орттириш ҳисобида халқаро сайёҳлик манзилларига айлантириш мумкин.

Мухтасар айтганда, сайёҳликнинг воҳа иқтисодий-иқтисодий ҳаётига таъсири истеъмол талабининг янги шакллари пайдо бўлиши, сайёҳлик саноатида иш ўринлари сони ва турларининг охиб бориши, хорижий валюта тушумининг барқарорлашувига ёрдам бериши, аҳоли даромадларининг ўсишида намоён бўлмоқда.